



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
UCHQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI

2021 - yil 29 - noyabr

127-6-87-F/21

Uchqo'rg'on tuman hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан ҳамда туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва маънавий маърифий ишлари бўйича ўринбосарининг 2021 йил 20 ноябрдаги билдиришномасини инobatга олиб,

1. Туман ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва маънавий маърифий ишлари бўйича ўринбосарининг 2021 йил 20 ноябрдаги билдиришномаси ҳамда вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига 2021 йил давомида даромадлар режасини ошириб бажарилган қисми ҳисобидан қоплаш шарти билан қисқа муддатли бюджет ссудаси ажратилганлиги асос учун қабул қилинсин.

2. Вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратилган бюджет ссудаси ҳисобидан туман ҳокимлигига Мустақилликнинг 30 йиллиги байрам тадбирларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан боғлиқ харажатлари учун 3000,0 минг (Уч миллион) сўм вилоят маҳаллий бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратилган маблағлари ҳисобидан ажратилсин.

3. Туман ҳокимлигининг бош ҳисобчиси (А.Қирғизбаев)га:

-қисқа муддатларда ажратилган маблағлар доирасида тегишли шартномалар тузилишини ва тўловлар амалга оширилишини таъминлаш;

-молиялаштириш манбасини очиш учун тегишли хужжатларни молия ва ғазначилик органларига тақдим этишда ҳамда маблағлардан тўғри, мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4. Туман ҳокимлигининг Молия бўлими (Б.Холмирзаев)га туман маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва туман ғазначилик бўлинмаси (Э.Каримов)га ажратилган маблағни ўз вақтида молиялаштириш вазифаси юклатилсин.

5. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Б.Тўламирзаев ҳамда С.Турсуновлар зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими



А.Ваҳобов